

Шерободда пробация ҳисобида турган шахсларнинг муаммолари тингланди



Суҳбат жараёнида 5 нафар назоратда турган шахслар томонидан кредит олиш истагини билдириб, мурожаат қилишди. Масъуллар томонидан ушбу мурожаат назоратга олиниб, тегишли тартибда амалга оширилиши бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, 2023 йил 6 ой давомида жиноятчилик бўйича қизил тоифага киритилган "Каттаҳаёт" маҳалласи бешлигининг йўл қўйилаётган камчиликлари танқидий таҳлилий муҳокама қилинди, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик содир этилишининг олдини олиш бўйича расман огоҳлантирилди.

Ушбу учрашувдан кўзланган мақсад назоратда турган шахсларни қайта жиноят содир этилишини олдини олиш, бандлигини таъминлаш ҳамда ҳаётга мослаштиришдан иборатдир.